

КУЗГИ БУҒДОЙ ҲОСИЛ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ ЭКИШ УСУЛЛАРИ, МЕЪЁР ВА МУДДАТЛАРИГА БОҒЛИҚЛИГИ

Аннотация: кейинги йилларда дунё бўйича суғориладиган ер майдонларининг ҳайдалма қатламида сув-шамол эрозиясининг кучайиши, тупроқда микрофауна ва флоранинг камайиши ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келмоқда. Бошоқли дон экинлари экиладиган майдонлар тупроқларининг унумдорлигини сақлаш ва ошириш мақсадида қўплаб давлатларда бошоқли дон экинларини етиштиришда ресурстежамкор (No-till) технологияни қўллаш орқали ижобий натижаларга эришилмоқда.

Калит сўзлар: кузги буғдой, нав, уруғ, “Фанкхаузер-2115”, “СЗУ-3,6”, очик майдон, ғўза қатор ораси, ресурстежамкор технология.

Аннотация. в мире при возделывании пшеницы большое значение придается получению качественного и высокого урожая за счет применения ресурсосберегающих технологий. В мировом масштабе в 2016 году производство зерна составляло 729 млн тонн, из них 95 % приходится на долю мягких пшениц. В последние годы в мировом масштабе усиление водной и ветровой эрозии в пахотных горизонтах орошаемых земель, снижение микрофауны и флоры в почве приводят к уменьшению урожайности. Во многих государствах в целях сохранения и повышения плодородия почв, где возделываются зерно колосовые культуры применяются ресурсосберегающие технологии (No-till) и достигается положительный результат.

Ключевые слова: озимая пшеница, сорт, семя, “Фанкхаузер-2115”, “СЗУ-3,6”, после зерновых культур, междурядьях хлопчатника, ресурсосберегающая технология.

Annotation: when cultivating wheat in the world, great importance is attached to obtaining high-quality and high yields through the use of resource-saving technologies. On a global scale, in 2016, grain production amounted to 729 million tons, of which soft wheat accounted for 95%. In recent years, worldwide, increased water and wind erosion in the arable horizons of irrigated lands, a decrease in microfauna and flora in the soil lead to a decrease in productivity. In many states, in order to preserve and improve soil fertility, where grain crops are cultivated, resource-saving technologies (No-till) are applied and a positive result is achieved

Keywords: winter wheat, cultivar, seed, Fankhauser-2115, SZU-3.6, after crops, cotton aisles, resource-saving technology

Дунёда ғалла етиштириш соҳасида No-till технологияси Аргентина, Парагвай, Бразилия, Канада, АҚШ, Австралия каби давлатларда қўлланилиши эвазига ёқилғи-мойлаш ва бошқа ресурсларни иқтисод қилиниши, эрозиянинг олди олиниши, тупроқда микрофлора ва микрофауналарни ривожланиши эвазига юқори иқтисодий самарадорликка эришилиши кузатилмоқда. Шу жиҳатдан, ғалла етиштиришда ресурстежамкор; тупроқ муҳитини яхшилашга қаратилган; турли тупроқ-иқлим шароитлари учун етиштиришнинг мақбул агротехнологияларини ишлаб чиқиш каби устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ҳ.Н.Атабоева, Б.М.Азизовларнинг (2008) берган маълумотларига кўра, суғориладиган ерларда уруғ экиш меъёри лалми ерларга нисбатан икки баробар кўп, яъни гектарига 4-5 млн. дона уруғ экилиши мақбул ҳисобланади. Ўзбекистонда «Ғаллачилик» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Тошкент давлат аграр университети тажриба станциясида ўтказилган тажрибалар натижалари гектарига экиладиган уруғ меъёри 3 млн. донадан 5 млн. донагача оширилиши билан кузги буғдой ҳосили ҳам

ошганлиги кўрсатилган [1; 168-6].

И.Қобулов, А.Омановлар (2000) ғўза қатор орасига кузги буғдойнинг экиш меъёри навнинг биологик хусусияти, тупроқнинг унумдорлиги ва мелиоратив ҳолатига қараб 250 кг/га, кўчат қалинлиги 5-6 млн. донани ташкил этиши лозимлигини таъкидлайди [2; 66-6].

Р.Наррис (1981), Garcia-Torres, J. Benites, and A. Martinez-Vilela (2005) тадқиқотлари натижалари экиш меъёрининг оширилиши дон сифатига салбий таъсир қилишини ва бунда 1000 та дон массаси, уруғнинг ўсиш энергияси, унвчанлиги ва натура массасининг пасайишини кўрсатади [3; 45-6, 4; 8-6].

Хорижлик муаллифлар (Н.М. Satornino, and J.N. Landers, 2002) экинларни ресурстежамкор етиштириш технологияларида ерга ишлов бериш учун зарур иш кучи ва энергия сарфи ерга анъанавий усулда ишлов бериш билан қиёсланганда 60 фоизгача камайишини, асбоб-ускуналарга ажратиладиган қўшимча инвестициялар, пестицидлар ва минерал ўғитлардан фойдаланиш сезиларли даражада қисқаришини, ёқилғи истеъмоли анча камайишини, ўсимлик қолдиқларининг ёқиб юборилишига бутунлай чек қўйилишини, атмосфера-

га зарарли газларнинг чиқарилишини қисқартиришга имкон беришини баён этишган [5; 144-6].

Тадқиқотлар Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Қашқадарё филиали (собиқ Қашқадарё бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти) томонидан яратилган кузги юмшоқ буғдойнинг районлашган “Яксарт” ҳамда истиқболли “Ғозгон” ва “Бунёдкор” навлари очик майдонда ҳамда ғўза қатор ораларида “Фанкхаузер-2115” (тўғридан-тўғри экиш) сеялкасида ҳамда анъанавий “СЗУ-3,6” ғалла экиш сеялкаларида эрта, ўрта ва кеч муддатларда 5 млн. дона, 5,5 млн. дона ва 6 млн. дона унвчан уруғ ҳисобида экиб, ўрганилди.

Ўтказилган тажрибада буғдой навлари биометрик кўрсаткичларига экиш усуллари, меъёр ва муддатларининг сезиларли таъсир кўрсатганлиги қузатилди.

Бошоқ узунлиги экиш муддатларига мос равишда ўзгариб бориши кузатилди. Уруғлар эрта муддатда экилганда 10,1-10,8 см ни, ўрта муддатда экилганда 9,8-10,3 см ни, кеч муддатда экилганда эса 9,2-10 см ни ташкил этди (1-жадвал).

Кузги буғдой ҳосил структураси (2015-2017 йй).

Вариантлар		Эрта муддатда экилганда			
Экиш усули	Экиш меъёри, млн. дона унвчан уруғ ҳисобида	Маҳсулдор поялар сони, м ² /дона	Бошоқ узунлиги, см	Бир бошоқдаги донлар сони, дона	Бир бошоқдаги донлар массаси, г
Фанкхаузер 2115 сеялкада экиш	5 млн. дона	545,3	10,4	43,7	1,44
	5,5 млн. дона	571,5	10,7	44,1	1,47
	6 млн. дона	638,0	10,8	45,1	1,45
СЗУ-3,6 сеялкада экиш	5 млн. дона	498,3	10,6	43,3	1,40
	5,5 млн. дона	532,8	10,5	43,9	1,42
	6 млн. дона	544,7	10,6	44,3	1,42

Тажрибада олиб борилган ўлчаш натижаларига кўра, эрта ва ўрта муддатларда экилган вариантлардаги бошоқлар донлар миқдори 43-45 донани ташкил қилди ва бу муддатлар орасида деярли катта фарқ кузатилмади.

Кечки муддатда экилган вариантларда эса бошоқдаги донлар сони 39-43 донани ташкил қилиб, эрта ва ўрта муддатларга нисбатан 3-4 та кам шаклланиб, экиш усуллари кўра,

турлича ўзгариб бориши кузатилди (1-жадвал).

Демак, эрта ва ўрта муддатларда экилганда экиш усуллари ва меъёрларига кўра, бошоқдаги донлар шаклланишида кескин фарқ кузатилмайди.

Кеч муддатда экилганда эса бошоқдаги донлар сони 1 м² майдондаги маҳсулдор поялар сонига мос равишда, экиш усули ва меъёрларига боғлиқ ҳолда шаклланади.

Бир бошоқдаги донлар оғирлиги бошоқдаги донлар сони ва 1000 та дон массасига узвий боғлиқ бўлиб, экиш меъёрлари ва экиш усуллари бўйича катта фарқ кузатилмади. Экиш муддатларининг ўзгариши ўртача бир бошоқдаги донлар оғирлигининг турлича бўлишини намоён этди.

Ўртача бир бошоқдаги донлар оғирлиги эрта муддатда экилганда 1,39-1,47 г ни, ўрта муддатда экилганда эса 1,31-1,37 г ни, кеч муддатда экилганда бошоқдаги донлар сонининг кам бўлиши, 1000 та дон массасининг кичик бўлиши ҳисобига 1,07-1,13 г ни ташкил қилди (3.5-жадвал).

Хулоса қилганда, экиш муддат ва меъёрларининг ўзгариши ўртача бир бошоқдаги донлар оғирлигига турлича таъсир кўрсатади. Ўртача бир бошоқдаги донлар массаси эрта муддатда экилганда 1,39-1,47 г ни, ўрта муддатда экилганда эса 1,31-1,37 г ни, кеч муддатда экилганда (бошоқдаги донлар сонининг кам бўлиши, 1000 та дон массасининг кичик бўлиши ҳисобига) 1,07-1,13 г ни ташкил қилади.

Ғ.УЗАҚОВ,
қ.х.ф.ф.д.,

ДДЭИТИ Қашқадарё филиали.

АДАБИЁТЛАР:

1. Атабоева Ҳ.Н., Азизов Б.М. "Буғдой." Тошкент. 2008. - 168 б.
2. Қобулов И., Омонов А. ва бошқалар. "Суғориладиган ва лалми ерларда кузги бошоқли дон экинларини парвариш қилиш технологияси." Андижон. "Ҳаёт." 2000. 66 б.
3. Garcia-Torres, J. Benites, and A. Martinez-Vilela (ed.) Conservation agriculture: A worldwide challenge. XUL, Cordoba, Spain. 2005. P. 45.
4. Harris P. Cereal seed rates compared arable Farm. 1981. P. 8.
5. Saturnino, H.M. and Landers, J.N. The environment and zero tillage APDC/FAO, 2002. P. 144.

УЎТ: 633.11+631.82

ИННОВАЦИОН ЁНДОШУВ

КУЗГИ БУҒДОЙНИ СУЮҚ АЗОТЛИ ЎҒИТ БИЛАН ОЗИҚЛАНТИРИШНИНГ ДОН ТАРКИБИДАГИ КЛЕЙКОВИНА МИҚДОРИГА ТАЪСИРИ

Аннотация: изучено влияние жидких азотных удобрений на примере "Уни-агро" при дополнительной внекорневой подкормке при возделывании озимой пшеницы.

Ключевые слова: жидких азотных удобрение, внекорневой подкормке, озимой пшеницы, клейковина, "Уни-агро" и Супер-KAS.

Annotation: the influence of liquid nitrogen fertilizers was studied on the example of "Uni-agro" with additional foliar top dressing during the cultivation of winter wheat.

Key words: liquid nitrogen fertilizer, dressing during, Uni-agro, Super-KAS, winter wheat.

Фарғона вилояти ўтлоқи соз тупроқлар шароитида "Фарғонаазот" АЖ томонидан ишлаб чиқарилган янги

"Уни-агро", "Супер-КАС" суюқ азотли ўғитларини суспензия сифатида кузги буғдойда қўллашнинг меъёр ва